

АЛЛОМА ТАФТАЗОНИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

Содиқ Қурбанов

Тошкент ислом институти ўқитувчиси.
Қурбановсодиқ8494@gmail.com тел.:97/2308494

Аннотация: Асосий илмий фаолиятини Мовароуннарда олиб борган ва ўз давригача бу диёрда яратилган машхур асарларга ҳошия ва шарҳлар ёзиш билан машхур бўлган қомусий олим Саъдуддин Тафтазоний ушбу давр буюк намоёнларидан бири эди. Унинг асарлари қарийб беш аср мобайнида Мовароуннаҳр ва унга қўшни ўлкалардаги мадрасалар ва бошқа билим даргоҳларида асосий дарслик сифатида ўқитилган. Ушбу асарларга машхур олимлар томонидан 200 дан ортиқ шарҳ, ҳошиялар ва таълиқлар ёзилгани уларнинг катта аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Калит сўзлар: Мовароуннаҳр, Темурийлар, Тафтазоний, асарлар

Мовароуннаҳр тарихи ва унда яшаб ижод этган олимлар ҳаёти ва фаолияти, хусусан, Саъдуддин Тафтазонийнинг бой илмий-маънавий меросига оид маълумотлар Шарқ олимларининг табақот, тарожим каби асарларида учрайди. Ёқут Ҳамавий (574-626/1179-1229), Шиҳобуддин Аҳмад Асқалоний (773-852/1371-1449), Абдулҳай Лакнавий (1264-1304/1847-1889), Шамсуддин Муҳаммад Саховий (813-902/1482-1479), Жалолуддин Суютий (849-911/1445-1505), Хайруддин Зириклий (1310-1396/1893-1976) каби табақот ва био-библиографик жанрларидаги асарларни битган олимлар ўз ишларида Саъдуддин Тафтазоний ҳақида алоҳида тўхталганлар.

Шунингдек, Шантовий, Абдурраҳмон Умайра, Доктор Иброҳим Шамсуддин, Доктор Акмалиддин Эҳсон ўғли, Карл Броккелман, Абдулхусайн Навотий кабилар эса ўзларининг қўлёзма манбалар илмий тавсифлари ва каталогларига бағишланган тадқиқотларида Саъдуддин Тафтазоний ҳаёти ва ёзган асарларига тўхталиб ўтганлар.

Ўзбекистонлик олимлардан ўз тадқиқот ва монографияларида Саъдуддин Тафтазоний шахсияти ва илмий меросига мурожаат қилган олимлар қаторида У.Уватов, С.Оқилов, Ш.Зиёдов, А.Аллоқулов кабиларни келтириш мумкин. Шунингдек, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Д.Юсупова, М.Қодиров, Н.Насруллаев каби муаллифлар Тафтазонийнинг ҳаёти ва ижодига оид алоҳида махсус мақолалар ёзганлар²⁰.

Олимнинг тўлиқ исми Саъдуддин Масъуд ибн ал-Қози Фахруддин Умар ибн ал-Мавло ал-Азим Бурҳониддин Абдуллоҳ ибн ал-Имом ал-Раббоний Шамс ал-Ҳаққ, ад-Дин ал-Қорий ас-Самарқандий ал-Ҳаравий ат-Тафтазоний ал-

²⁰ Палванов У. Саъдуддин Тафтазоний ва унинг «Шарҳ ал-ақоид ан-насафия» асари.- Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015.-Б.8-10.

Хуросонийдир. Ибн ҳажарнинг зикр этишича унинг исми Масъуд эмас, балки Маҳмуддир²¹. Алломанинг таваллуд топган йили тўғрисида манбаларда икки хил маълумотни учратиш мумкин. Жумладан, уларнинг биринчисидан 722/1322 йилни келтирилган бўлиб, бу фикрни Шарофуддин Роқимий, Исмоил Бошо ал-Бағдодий, Муҳаммад ибн Али аш-Шавконий, Шамсуддин Муҳаммад ибн Абдурахмон ас-Саховий ва бошқалар қўллаб қувватлаган. Иккинчисидан эса 712/1312 йил келтирилган бўлиб, уни Хойруддин Зириклий, Шиҳобуддин Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ал-Асқалоний, Жалолуддин Абдурахмон ас-Суютий, Шиҳабуддин Абулфаллаҳ Абдулхай ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ад-Димашқий, Жалолуддин Абул Маҳосин Юсуф ибн туғро Бурда каби олимлар қўллаганлар. Олимнинг вафоти ҳақида ҳам манбаларда 787/1385 йил, 789/1387 йил, 791/1389 йил, 792/1390 йил, 793/1391 йил, 794/1392 йил ва 796–797/1394–1395 йил каби турли хил саналар кўрсатилган. Чунончи, машҳур ҳанафий олимлардан Аҳмад ибн Мустофа Тошкўпризода (901–968/1495–1561) Саъдуддин Тафтазонийнинг таниқли шогирдларидан бири Фатхуллоҳ ибн Абдуллоҳ Шарвоний Румий Ҳанафий (ваф. 857/1453 й.)дан ривоят қилган. Жумладан, Фатхуллоҳ Ҳанафий Самарқандада устозининг қабрини зиёрат қилганлиги ва унга олим, хусусан унинг вафоти ҳақидаги маълумотлар битилганлигига шоҳид бўлганлигини айтган. Алломанинг 1322-1390 йилларда яшаганлигига иккинчи асосли далил бу – унинг «Шарҳ ат-Тасриф ал-иззий» номли асарини ўн олти ёшида, яъни 738/1338 йили ёзиб тугатганидир. Бундан Саъдуддин Тафтазоний 722–792/1322–1390 йилларда яшаганлиги аён бўлади²²

Олимга берилган нисба у туғилган Тафтазон қишлоғи билан боғлиқ. У (ҳозирги Туркманистон, Ашхабод) яқинидаги қишлоқдир²³. Машҳур муаррих олим Ёқут Ҳамавийнинг таъкидлашича, бу шаҳар, араб мусулмон лашкарлари Хуросонга келганларида у ердаги барча эркаклар жанг қилиш учун шаҳарни тарк этганликларини ва фақат аёллар қолганини кўриб, булар “нисо” (аёллар) экан, улар билан уруш қилманг деб, аёлларга нисбатан куч ишлатмаган эканлар. Шу сабабдан бу шаҳарнинг номи Нисо деб аталган²⁴. Тарихда “насоий” нисбасига эга кўплаб олимлар ўтган. Сарахс билан Насо орасида икки кунлик, Марв билан беш кунлик, Абивард билан бир ва Нишопур билан олти ё етти кунлик масофа бўлган. Шаҳар иқлими тоза ва мўътадил бўлган²⁵.

Олим ўз даврининг кўзга кўринган машҳур устозларидан таълим олган. Улардан Азудуддин Абдурахмон Ийжий (680-756/1281-1355), Зиёуддин Қазвиний (ваф. 780/1378), Қутбуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Розий (694-766/1295-1365), Аҳмад Қусий (ваф. 803/1401), Мавлоно Баҳоуддин Самарқандий

²¹ Шиҳобуддин Аҳмад ибн Али Асқалоний. Ад-Дурар ал-Комина. – Байрут: Дор ал-жийл, 1993. – Ж. IV.

²² Палванов У. The Light of islam, 4-сон 2019 йил, 29-бет

²³ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-насафия. Истамбул: Мактабат ал-Фурқон (йили кўрсатилмаган). – Б. 12.

²⁴ Шиҳобиддин абу Абдуллоҳ Ёқут ибн Абдуллоҳ Ҳамавий. Муъжам ал-булдон. Ж. V.

Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1419/1998 – Б. 281-282.

²⁵ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-мақосид. III жилдди. / Шарҳ ва ҳошиялар муаллифи Доктор Иброҳим Шамсуддин. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2001

Ҳанафий, Носируддин Термизий, Алоуддин Сиғноқий, Баҳоуддин Ҳалвоний каби бир нечта олимларнинг келтириш мумкин. Жумладан, у устози Азудуддин Ийжийнинг дарс халқасида таълим олганлиги ва унинг ғайритабиий қобилиятини машҳур муаррих Шихабуддин Абдулхай Дамашқий ҳам таъкидлаб ўтган²⁶.

Алломанинг шогирдлари қаторида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Ҳисомиддин ибн Али ибн Муҳаммад Абивардий (ваф. 816/1413 й.), Бурҳониддин Ҳайдар ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Шерозий Хавофий, Садр Ҳаравий номи билан машҳур бўлган (ваф. 854/1450 й.), Алоуддин Абулҳасан Али ибн Муслиҳиддин Мусо ибн Иброҳим Румий Ҳанафий (ваф. 841/1437 й. – Қоҳира), Алоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорий Ажамий Ҳанафий (ваф. 816/1413 й.), Ҳайдар ибн Аҳмад ибн Иброҳим Абулҳасан Румий Асл Ажамий Ҳанафий. У Қоҳирада яшаган ва ҳижрий 854/1450 йилда вафот этган, Шамс ал-Каримий. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Фазлуллоҳ ибн Мажд Аҳмад (ваф. 861/1457 й.), Фатхуллоҳ Шарвоний. У Фатхуллоҳ ибн Абдуллоҳ Шарвонийдир (ваф. 857/1453 й.) ва Муҳаммад ибн Атоуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Абу Абдурозий (776-829/1374-1425). У имом ал-аллома, шамс ад-дин номлари билан улуғланган ва қози ал-қузот бўлган²⁷.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Саъдуддин Тафтазонийнинг тафсир наҳв, ақида, маоний, баён, сарф, усул ал-фиқҳ ҳамда фуруъ ал-фиқҳ (ҳанафий ва шофий), мантиқ ва бошқа илм соҳалари бўйича 40 дан ортиқ асари борлиги аниқланиб, улар 12 та фан йўналишига қисмланади. Улардан 30 га яқин асар бизгача етиб келган. Шулардан машҳулари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: Шарҳ ал-ақоид ан-насафия, Китоб ал-мақосид, Мақосид фи илм ал-калом (Шарҳ ал-мақосид) ёки Шарҳ аш-шарҳ, Шарҳ ал-мухтасар ало китоб мунтаҳо ас-савол вал-амал фи илмай ал-усул вал-жадал, Ниъам ас-савобиғ фи шарҳ ал-калим ан-навобиғ, Шарҳ фароиз ас-Сирожия, Шарҳ фиқҳ ал-Кайдоний, Замахшарийнинг “Тафсир ал-кашшоф” тафсирига ёзилган ҳошия, Шарҳ ат-тасриф ал-иззий, Шарҳ ал-мутававал ёки Шарҳ ат-талхис ал-мутававал, Ихтисор шарҳи талхис ал-жомеъ ал-кабир ва бошқалар.

Аллома таълиф этган ва у орқали машҳур бўлган асарларининг аксарига диққат билан назар солинса шарҳлар ва ҳошиялардан иборат экани маълум бўлади. Бу эса уни ақлий ва нақлий илмларда қомусий олим эканини билдиради.

²⁶ Шихабуддин Абдулхай ибн Аҳмад Дамашқий. Шазарот аз-Заҳаб фи ахбор ман заҳаб. – Байрут: Дор ибн Касир, 1986. – Ж. VIII. – Б. 547-549.

²⁷ Абу Бакр ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн амр ибн Қозий. Табақот аш-шофий. Ж. I. – Б. 203.